# XALQ DEPUTATLARI QIBRAY TUMAN KENGASHINING
# Q A R O R I

2022 - yil 27 - yanvar VI-35-1-10-139-K/22 Qibray tuman hokimligi

**Қибрай туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Тошкент вилояти Қибрай туманининг маҳаллий Бюджетини қабул қилиш мақсадида халқ депутатлари Тошкент вилояти Қибрай тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида”ги Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Қибрай тумани маҳаллий Бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 111 906,606 млн.сўм ва харажатлари 154 241,318 млн.сўм прогноз қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3.Тартибга солувчи Бюджетлараро трансферт 42 339,712 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда тартибга солувчи Бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий Бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

4.Туман Бюджетининг айланма касса маблағи 1 141,837 млн.сўм миқдорида белгилансин.

5.2022 йил учун туманнинг туман Бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1 455,107 млн.сўм миқдорида белгилансин.

6.2022 йил учун туман Бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари ҳамда тақсимланувчи кўрсаткичлари ҳамда тақсимланувчи даромадлар 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7.Туман Бюджетидан 2022 йилги ҳудудий Бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларининг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8.Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий Бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий Бюджет харажатларини ҳудудий Бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туман Бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бундан мустасно);

давлат мулки бўйича ижара тўловларидан тушадиган тушумлар.

б) вилоят Бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар Бюджетлари ўртасида қуйидаги солиқ турлари бўйича тақсимланади:

бензинни, дизел ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги аксиз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, (электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ бундан мустасно).

Шу билан бирга, Қонунга мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўланадиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) 42 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 40 фоизи миқдоридаги тушумлар вилоятнинг вилоят Бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар Бюджетлари ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) Тамаки маҳсулотлари, мобил алоқа хизматлари учун аксиз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан, пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ туман маҳаллий Бюджетига ўтказиб берилади.

9.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Бекмуродов), Молия бўлими (И.Холмуродов), Давлат солиқ инспексияси (Ш.Халматов) ва масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли Бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий Бюджет прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;

Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

Бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

маҳаллий Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ

тушумини таъминлаш;

Бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

10.Туман давлат солиқ инспексияси (Ш.Халматов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида Бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс еттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб етувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида еътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

11.Туман давлат солиқ инспекцияси (Ш.Халматов), Кадастр агентлиги туман бўлими (К.Абдуллаев) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

12.Мажбурий ижро бюроси Қибрай туман бўлими (Ш.Абдуллахонов) туман давлат солиқ инспекцияси (Ш.Халматов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини Бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

13.Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (Н.Алимов), жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

14.Туман ирригация бўлими (О.Тулаев) ва туман давлат солиқ инспекцияси (Ш.Халматов) туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий Бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

15.Туман Кенгашининг маҳаллий Бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий Бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида Бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий Бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

Маҳаллий Бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

16.Туман Бюджетининг жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, Ёшлар ишлар

агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий Бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

17.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Бекмуродов), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, тегишли ташкилот бошлиқлари:

маҳаллий Бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

18.Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19.Мазкур қарор “Қибрай садоси” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

20.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

21.Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий Бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвеститциялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **М. Миркасимов**

Халқ депутатлари Қибрай туман
Кенгашининг
2022 йил 27 январдаги
VI-35-1-10-139-K/22-сон қарорига
1-илова

# 2022 ЙИЛ УЧУН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚИБРАЙ ТУМАНИ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

| | Даромад турлари | Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри фоиз (%)да | Сумма минг сўм |
|---|---|---|---|
| 1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 5 | 4 490 643 |
| 2 | Корхоналар айланмасидан солиқ | 50 | 15 195 603 |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 5 | 9 796 677 |
| 4 | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 100 | 1 754 309 |
| 5 | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи | 0 | 0 |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 10 | 2 562 916 |
| 5 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 100 | 12 699 485 |
| 6 | Юридик шахслар ер солиғи | 10 | 2 447 457 |
| 6 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 100 | 9 820 610 |
| 7 | Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 100 | 9 407 074 |
| 8 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 100 | 9 519 448 |
| 9 | Давлат божи | | 0 |
| 10 | Жарималар | | 0 |
| 11 | Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари | | 0 |
| 9 | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | 100 | 1 355 151 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10 | Йиғимлар | | 0 |
| 11 | Хусусийлаштириш | | 0 |
| 12 | Бошқалар | | 0 |
| **ЖАМИ** | | | **79 049 373** |
| | **Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад** | | **32 857 233** |
| 13 | Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво | | 12 435 831 |
| 14 | Мобиль алоқа хизмати | | 7 084 907 |
| 15 | Тамаки маҳсулотлари акциз солиғи | | 13 336 495 |
| **ЖАМИ ДАРОМАД** | | | **111 906 606** |

Халқ депутатлари Қибрай туман
Кенгашининг
2022 йил 27 январдаги
VI-35-1-10-139-K/22-сон қарорига
2-илова

# 2022 ЙИЛ УЧУН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚИБРАЙ ТУМАНИ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Кўрсаткичлар | | Миқдори (минг сўм) |
|---|---|---|
| | **Харажатлар - жами** | **154 241 318** |
| **1.** | **Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами** | **110 158 886** |
| 1.1 | Маориф | 20 538 036 |
| | - мактабгача таълим | 8 576 339 |
| | - умумий таълим | 11 961 697 |
| 1.2 | Соғлиқни сақлаш | 67 919 807 |
| | Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар | 48 534 |
| 1.3 | Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари | 4 347 351 |
| | - маданият ва оммавий ахборот воситалари | 2 266 909 |
| | - спорт | 2 080 442 |
| 1.4 | Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар | 17 144 485 |
| 1.5 | Ижтимоий кўникма марказлари | 160 673 |
| **2.** | **Иқтисодиётга харажатлар** | **17 721 705** |
| 2.1 | Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари | 605 962 |
| 2.2 | Ободонлаштириш | 12 877 500 |
| 2.3 | Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари | 1 952 062 |
| 2.4 | Ветеринария қўмитаси | 948 765 |
| | Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун | 1 337 416 |
| **3** | **Давлат бошқарув органларини сақлаш** | **11 363 467** |
| 3.1 | Давлат бошқарув идоралари | 11 363 467 |
| **4** | **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш** | **6 266 619** |

| | | |
|---|---|---|
| **5** | **Заҳира жамғармаси** | **1 455 107** |
| **6** | **Фуқаролар ташаббуси жамғармаси** | **7 275 534** |

**Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар** **42 334 712**